

Ахборот тизимдан фойдаланган ҳолда  
хисобварақларга хизмат кўрсатилиши юзасидан  
20 - соғли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

2021 йил 20 март

Бир тарафдан АТ «Алоқабанк», кейинги ўринларда «Банк» деб юритилувчи номидан 2021 йил «04» январ берилган 07-04/48 - соғли ишончномага асосан ҳаракат қилувчи Банкнинг Амалиёт Бошқармаси бошлиғи

Марасулов Комил Алимович ва иккинчи тарафдан

«Комитет Курлиш Дирекцияси» Д.А.  
(юридик шахснинг фирмаси ёки ЯТ Дини домни)

кейинги ўринларда «Мижоз» деб юритилувчи номидан устав ёки патент асосида фаолият юритувчи  
Алиев Ф.А. раҳбари  
кейинги ўринларда биргалликда «Тарафлар» деб юритилувчи, ушбу Шартномани (кейинги ўринларда «Шартнома») куйидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАР

**Ахборот тизими** - ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари.

**«Электрон ҳужжат»** - Электрон шаклда кайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реқвизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир.

Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

**«Электрон рақамли имзо»** (ЭРИ) – бу Мижоз томонидан криптографик ўзгартиришлар ёрдамида шакллантирилган ахборот тизимида амалга оширилган ва электрон ҳужжатга катъий равишда таққосланадиган ҳамда электрон ҳужжатни аутентификациялаш (муаллифлик ва яхлитлиқни тасдиқлаш) учун фойдаланиладиган, байт йиғиндисини кўринишидаги электрон ҳужжатнинг реқвизити.

Электрон рақамли имзо ҳужжатнинг мазмуни ва имзоловчининг махфий калитини катъий тарзда бир бутун қилиб мувофиқлаштиради ҳамда ушбу имзонинг ҳақиқийлигини бузмаган ҳолда ҳужжатнинг ўзгартирилишига имкон бермайди.

**«Мижознинг ЭРИ ёпиқ калити»** - Мижоз томонидан ахборот тизими воситаларидан фойдаланган ҳолда мустақил равишда ҳосил қилинган ва Мижоз томонидан электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзони шакллантириш учун мўлжалланган калит (байтлар кетма-кетлиги).

**«Мижознинг ЭРИ очик калити»** - Мижознинг ЭРИ махфий калитига катъий ҳолда боғлиқ бўлган ва Мижоз томонидан Мижознинг ЭРИ махфий калити тайёрланганда Шартнома объекти тарафидан автоматик тарзда шакллантириладиган ҳамда Мижоз томонидан шакллантирилган электрон ҳужжатнинг электрон рақамли имзоси тўғрисидаги (носалиги) Банк тарафидан текширилиши учун мўлжалланган калит (байтлар кетма-кетлиги).

**«Мижознинг ЭРИ очик калити сертификати»** - Раҳбари имзоси билан тасдиқланган ва Мижоз муҳри босилган, ЭРИ очик калитининг амал қилиш мuddатлари кўрсатилган ҳамда Мижознинг ЭРИ очик калити ўн олти хонали белгилар кетма-кетлиги кўринишида тақдим этилган қоғоз шаклдаги ҳужжат.

**«Калитнинг ўз мақомини йўқотиши»** - фойдаланиладиган калитлар ахборот хавфсизлигини таъминлаётганлигига ишончнинг йўқолиши. Калитнинг ўз мақомини йўқотиш ҳолатларига куйидагилар киради:

- Муҳит элементларининг йўқотилиши;
- Муҳит элементларининг кейинчалик топилши билан йўқотилиши;
- Муҳим ахборотлар билан ишлаш ваколатига (руҳсатига) эга бўлган ходимларнинг ишдан бўшатилиши;
- Махфий калитни сақлаш ва йўқ қилиш (амал қилиш мuddати тугагандан сўнг) қондаларининг бузилиши;
- Алоқа тизимида ахборотнинг чиқиб кетиши ёки унинг бузиб кўрсатилиши борасида шубҳаларнинг юзга келиши;

-Сир сақланаётган ахборотлар ошкор этилганликда гумон қилинаётган ёки у махфий алоқа тизимида бузилганда (ярқоз бўлганда);

-Муҳим ахборотни ўз ичига олган электрон калит ташувчиларига нима бўлганлигини аниқлаш имкони бўлмаганда (шу жумладан ташувчи ишдан чиққан ва бу ҳолат ёвуз янгили кишиларнинг руҳсат этилмаган ҳаракатлари натижасида юз берилмаганлиги исботланмаган бўлса).

Калитнинг ўз мақомини йўқотиш ҳолатларига бошқалар ҳам киритилиши мумкин.

55130

Дирекция

**“Имзо намуналари карточкаси”** - Мижоз томонидан банк ҳисобварақ шартномасига мувофиқ Банкка тақдим этиладиган Мижознинг ҳисоб-китобларини имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг имзо намуналари ва муҳри туширилган карточка.

## II. ШАРТНОМАНING ПРЕДМЕТИ

2.1. Банк Тарафлар ўртасида тузилган ҳисобварақ шартномасига мувофиқ электрон тўлов ҳужжатларини Банкка юбориш томонидан **ахборот тизимини** қўллаган ҳолда электрон рақамли имзо билан имзоланган электрон тўлов ҳужжатларини айирбошлаш учун зарар бўлган **дастурий воситаларни** ушбу шартномада кўрсатилган шартларда ва муддатларга Мижозга фойдаланишга беради.

2.2. Мижоз ушбу шартнома шартларига тўлиқ рўя эътиди ва шартнома объектдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлган мақсадларда ва техник йўриқномасига рўя этган ҳолда фойдаланади.

## III. ШАРТНОМА ОБЪЕКТИ

3.1 Тарафлар ўртасида тузилган ҳисобварақ шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун масофадан туриб, ахборот тизимини қўллаган ҳолда зарур бўлган аппарат-дастурий комплексдир, шу жумладан, электрон рақамли имзо.

## IV. ШАРТНОМАНING УМУМИЙ ШАРТЛАРИ

4.1 Мазкур шартнома шартлари Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ҳисобварақ шартнома шартларига мувофиқ келмаганда ҳисобварақ шартнома шартлари қўлланилади.

4.2 Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ҳисобварақ шартномасида кўзда тутилмаган шартлар мазкур шартномада назарда тутилган бўлса, ушбу шартлар ҳисобварақ шартномасига ҳам қўлланилади.

4.3 Мижоз мазкур дастурий воситалардан фақат ҳисобварақи шартномаси бўйича Банк Мижознинг ҳисобварақига тушаётган пул маблағларини қабул қилиш ва киритиб қўйиш, Мижознинг ҳисобварақдан тегишли суммаларини ўтказиш ва тўлаш ҳамда ҳисобварақ бўйича бошқа операцияларни амалга ошириш ҳақидаги фармойишларини (электрон тўлов ҳужжатини) бериш учун фойдаланилади.

4.4 Банк Мижозни дастурий воситага улааниш, ундан фойдаланиш ва унда ишлаш бўйича маслаҳатлар бериб, Мижозни дастурий воситада рўйхатга олади.

4.5 Дастурий восита Банк мутахассислари ёки Мижознинг ахборот технологиялар соҳасида зарур тажрибага эга бўлган мутахассисликка эга бўлса ўзин ўрнатитиши мумкин. Дастурий воситани ўрнатитиш бўйича қўлланма банк расмий сайтида жойлаштирилган.

4.6 Дастурий восита ўрнатилгандан сўнг Банк Мижозни рўйхатдан ўтказилади.

4.7 Банк ахборот тизимини қўллаган ҳолда мазкур шартнома бўйича Мижозга берилган дастурий восита орқали Банк ва Мижоз ўртасида тузилган ҳисобварақ шартномасидаги хизматларни кўрсатади.

4.8 Мижознинг ҳисобварақларига ахборот тизимдан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш, уларни очини учун асос бўлган банк ҳисобварақи шартномаси ва унинг шартларига асосан амалга оширилади.

4.9 Дастурий воситага улааниш ва ундан фойдаланиш ахборот тизимини қўллаган ҳолда амалга оширилади ва қайси ахборот тизимига улааниш ва қандай улааниши мазкур Шартноманинг предмети бўлиб ҳисобланмайди.

4.10 Дастурий восита фойдаланиш учун Банк томонидан Мижозга Электрон рақамли имзо (матрида бунда бўён “ЭРИ” деб юритилади) берилади.

4.11 Банк томонидан яратилган ЭРИ қалғи ташқи сакловчи воситаларга ёзилиб Мижозга вақтинчалик фойдаланишга берилади.

4.12 Тарафлар “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги Қонулар ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12-нондаги “Электрон тижоратни амалга оширишда тўловларни ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 120-сонли Қарорига мувофиқ амалга ошириладиган, Электрон Рақамли Имзо усулини эътироф этадилар (тан оладилар).

4.13 Тарафлар ЭРИ текширилиши жараёнида салбий натижа аниқланган тақдирда бу электрон ҳужжат бузилган ҳисобланиб, у банк томонидан қабул қилинмаслигини тан оладилар.

4.14 Шартнома объектини бут сакланиши ва уни учинчи шахсга берилиши ҳамда белгиланган тарихда сакламаганлиги натижасида Мижознинг ЭРИ сохталаштирилишига Мижоз жавобгардир.

4.15 “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонунининг моддасига мувофиқ мазкур шартнома доирасида

яратилган барча электрон ҳужжат коғоз ҳужжатга тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

4.16 . “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида” Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборотлар электрон ҳужжат эканлиги кўрсатилган бўлиб, Мижознинг ЭРИ билан тасдиқланмаган ҳужжатлари электрон ҳужжат сифатида тан олинмайди ва улар юридик кучга эга бўлмайди.

4.17 Мижознинг ЭРИ билан тасдиқланмаган ҳужжатлар Банк томонидан кўриб чиқилмайди ҳамда ижро этилмайди.

4.18 Мазкур шартнома доирасида яратилган барча электрон ҳужжатлар юзасидан низо юзага келганида ушбу шартноманинг 1-сонли иловасидаги “Низоли вазиятлар юзага келганда техник экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом”га мувофиқ олинган маълумотлар тарафлар ўртасидаги низоли масалаларни ҳал этиш учун далил бўлиб хизмат қиладиган маълумотлар эканлигини тарафлар эътироф этадилар.

4.19 ЭРИ мавжуд бўлмаган электрон ҳужжатлар низоли масалалар мавжуд бўлган тақдирда, низоли вазиятни ҳал этишда далил бўлиб ҳисобланмайди.

4.20 тарафлар Мижоз раҳбарининг имзоси ва Мижознинг муҳри билан тасдиқланиб ЭРИ сертификатига кўрсатилган, Мижознинг ЭРИ очик калити ҳамда унинг ташувчиси Мижозга тегишли эканлигини тан олади.

4.21 Тарафлар ахборот тизими билан ишлашда вақтнинг ягона шкаласи сифатида Тошкент вақт минтақасини эътироф этадилар.

4.22 Банк дастурий воситаларидаги вақт ахборот тизими фойдаланувчилари учун назорат вақти бўлиб ҳисобланади.

4.23 Банк Мижознинг e-mail, почта алоқаси ёки телефон орқали берилган кўрсатмасига кўра ахборот тизимида Шартнома объектидан фойдаланишни вақтинча тўхтатиб қўяди, Мижоз томонидан барча маълумотлар тўлиқ тақдим этилган тақдирда.

4.24 Банк Мижоз калити ўз макomini йўқотганлиги юзасидан шубҳаланган тақдирда ўз ихтиёрига кўра Мижозни хабардор қилмаган ҳолда Мижознинг ЭРИ очик калитини блокировка қилиши ва Мижоздан ЭРИ калитлари жуфтлигини ўзгартиришни талаб қилишига ҳақли.

4.25 Электрон ҳужжатларни тасдиқлаш мақсадида Мижоздан тегишли тарзда расмийлаштирилган, ҳисоб-китоб ҳужжатларини коғоз кўринишида тақдим этилишини талаб қилишига ҳақли.

4.26 Банк Мижоз томонидан бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида ундан ёзма тушунтириш олишига ҳамда ушбу тушунтириш олинишига қадар ушбу шартнома ва ҳисобварақ шартномаси бўйича хизматлари кўрсатишни тўхтатиб туриши мумкин.

4.27 Мижознинг ноқонуний (шубҳали) операциялар амалга оширилганлиги ҳақида гумонлар мавжуд бўлганда Мижоз ёки унинг вакиллари томонидан операциялар амалга оширилаётганлигини, пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг расмийлаштирилишини, уларнинг мижознинг ваколатли шахслари (раҳбари, бош ҳисобчиси) томонидан имзоланиб тасдиқланишини, ушбу ҳужжатлар бўйича ўтказмалар фақат айнан электрон имзолаш ҳуқуқи мавжуд бўлган мижоз вакили томонидан электрон имзолаш орқали тасдиқлангандан кейин амалга оширилишини текшириш мақсадда мижознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзил бўйича ўрганиши мумкин.

4.28 Мижоз мустақил равишда талаб этилган маълумотларни кўрсатган ҳолда махсус “Рўйхатга олиш” модули орқали дастурий воситада рўйхатдан ўтиши, Банк Мижознинг ЭРИ жуфт калитларини ҳосил қилиши ва Мижознинг ЭРИ очик калит сертификатини олади (чиқарилади).

4.29 Мижоз Банкка тақдим қилинадиган ЭРИ очик калити сертификатини электрон ҳужжатларни имзолаш ҳуқуқига эга бўлган, имзо намуналарида кўрсатилган, иккита имзо (биринчи ва иккинчи имзо) ёки битта имзо билан тасдиқлаши мумкин.

4.30 Мижоз электрон ҳужжатларни “Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида”ги Низомнинг амалдаги талабларига мувофиқ тўлдиради.

4.31 Мижоз мазкур шартноманинг 8-бўлимида белгилаб қўйилган электрон ҳужжатлар билан аймақиниш тартибига риоя этади.

4.32 Мижоз ахборот тизимида фойдаланиладиган Мижознинг ЭРИ калитларининг ва паролларини махфийлини сир сақлайди, уларни учинчи шахсларга бермайди.

4.33 Мижоз у ваколат бермаган шахслар томонидан дастурий воситага руҳсатсиз кириш уриниши аниқланганда Банкка дарҳол хабар беради.

4.34 Мижоз калитлари ўз макomini йўқотган тақдирда дарҳол макomini йўқотган калитларини блокировка қилиш чораларини кўриш учун Банкка хабар бериши ва қисқа муддатларда Банкка ушбу Шартноманинг 2-сонли

Иловасига мувофиқ ўз қалитларини блокировка қилиш тўғрисида ёзма ариза юборади.

4.35 Мижоз ўз хоҳишига кўра Мижознинг янги ЭРИ жуфт қалитларини ҳосил қилиш ва уларни Банкда рўйхатдан ўтказишга ҳақли.

4.36 Мижоз Банкка қўнғироқ қилиб, блокировка учун мўлжалланган сўзини талаффуз қилган ҳолда ўз ишини вақтинча блокировка қилиши мумкин.

4.37 Ҳисобварақ шартномаси ёки мазкур шартнома бекор қилинганда Мижоз Банкдан олган барча шартнома объектлари, шу жумладан ЭРИ ёзилган ташқи сақловчи воситаси Банкка топширади.

4.38 Ҳисобварақ шартномаси ёки мазкур шартнома бекор қилинганда Мижозни дастурий востидан рўйхатга олиниши бекор қилинади ва унинг ушбу дастурий востидан фойдаланиши тақиқланади.

4.39 Банк томонидан мижознинг ноқонуний (шубҳали) операциялари аниқланиб бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида мижоздан ёзма тўшунтириш сўралганда Мижоз тегишли маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилади.

4.40 Банк томонидан ноқонуний (шубҳали) операциялари аниқланиб бажарилган операцияларнинг қонунийлиги ҳақида Мижознинг жойлашган ери (почта манзили) ёки масофавий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномада белгиланган манзил бўйича текширишлар ўтказилганда мижоз тегишли маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилади.

## **V. ХИЗМАТЛАРГА ҲАҚ ТўЛАШ ТАРТИБИ**

5.1 Мижоз Банкка кўрсатилган хизматлар бўйича хизмат ҳақларини Тарифларда белгиланган миқдорда ҳисобварақидан биринчи навбатда ва акцептсиз тартибда ундириб олиши мумкин.

5.2 Кўрсатилган хизматлар учун хизмат ҳақи, агар ҳисобварақ шартномасида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, хизмат кўрсатилган кунни ундириб олиниши ёки хизмат ҳақи ҳар ойнинг охирида ундириб олиниши мумкин.

5.3 Мижознинг миллий валютадаги маблағлари старли бўлмаган ҳолларда, Банк Мижознинг мавжуд валюта маблағларини ундирув амалга ошириладиган кундаги Марказий банкнинг курси бўйича конвертация қилиш орқали хизмат ҳақларини ундириб олиши мумкин.

5.4 Мазкур шартномани бажариш бўйича юзага келган барча харажатлар Мижоз томонидан тўланади.

5.5 ЭРИ актив ёпик қалити йўқотилган тақдирда у Банк томонидан белгиланган тарифларга кўра комиссия харажатларини тўлаши лозим.

## **VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1 Банк Мижозга тегишли бўлган, Мижознинг ЭРИ қалити учинчи шахслар томонидан фойдаланилиши натижасида Мижозга етказилган зарар учун жавобгар эмас.

6.2 Банк Мижознинг “Интернет” очик тармоғига кириш усули ва жойини назорат қилмайди ҳамда унинг юзасидан жавобгар эмас. Мижознинг ЭРИ дан фойдаланувчи компютер қурилмаси ва унинг носозлиги учун жавобгар эмас.

6.3 Мазкур шартнома бекор қилинган тақдирда Тарафлар ушбу шартноманинг амал қилиши даврида шакллантирилган, Мижознинг ЭРИ билан тасдиқланган барча электрон ҳужжатлар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунийлигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.4 Электрон тизимдан фойдаланишда Мижоз билан Банк ўртасида низоли вазиятлар юзага келган тақдирда Тарафлар “Низоли вазиятлар юзага келганда техник экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисида Низом” (ушбу Шартноманинг 1-сонли Иловаси)га мувофиқ низоларни кўриб чиқишда иштирок этиш, кўрсатилган Низом талабларини бажаришни ва низоли вазиятни кўриб чиқиш хулосаларига мувофиқ жавобгарлиқни ўз зиммасига оладилар.

6.5 Тарафлар электрон тизимдан фойдаланиши жараёнида юзага келган иқтисодий ва бошқа низоларни ҳал этилишида ушбу шартномада иштирок этаётган манфаатдор тарафнинг сўрови бўйича ўзининг баҳолари, далил ҳамда хулосаларини ёзма равишда тақдим этадилар.

6.6 Тарафлар мажбуриятини лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган барча чораларни кўрганлигини исботласа, айбсиз деб топилади.

6.7 Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади.

## **VII. ТАРАФЛАРНИ ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТУВЧИ ҲОЛАТЛАР (ФОРС-МАЖОР)**

7.1 Тарафлар снгилмас куч таъсиридаги ҳолатлар (форс-мажор), яъни тарафлар кўра билолмаган ёки олдини ололмайдиган, тарафларнинг иродаси ва хоҳишидан ташқари вужудга келадиган ҳолатлар натижасида мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод этилади.

7.2 Мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга снгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шартларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади.

7.3 Форс-мажор ҳолатлар бўлиб, ёнгин, сув тошқини, zilzila ва бошқа табиий офатлар, эпидемия, техник фожиялар, харбий ҳаракатлар, фавқулотда вазиятлар, давлат органлари томонидан қабул қилинадиган қарорлар ҳисобланади.

7.4 Форс-мажор ҳолат натижасида ўз мажбурият бажара олмаётган тараф иккинчи тарафни форс-мажор ҳолат вужудга келган кундан ва тугашидан 3 банк куни ичида, форс-мажор ҳолатлар вужуд келганлиги, давом этиши тахмин қилинаётган муддат, тугаш муддати хақида ёзма огоҳлантиради.

7.5 Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларига Тарафлар таъсир ўтказа олмайдиган ва вужудга келганлиги учун жавобгар бўлмайдиган ҳолатлар, масалан, zilzila, сув тошқини, ёнгин, шунингдек мазкур контракт бажарилишига тўқсинлик қилувчи иш ташлаш, ҳукумат қарорлари ёки давлат органларининг фармойишлари, ҳар қандай тусдаги харбий ҳаракатлар кирати.

7.6 Табиий офатлар, ёнгинлар, ҳалокатлар, электр энергияси тармоғининг ўчириб қўйилиши, алоқа линиясининг шикастланиши, оммавий тартибузарликлар, иш ташлашлар, харбий ҳаракатлар, учинчи шахсларнинг ноқонуний ҳаракатлари, тарафларнинг бири учун бажарилиши мажбурий бўлган, шартномада кўрсатилган фаолият турларини бевосита ёки билвосита таъкиловчи ёки тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларига тўқсинлик қилувчи қонуни ҳужжатларининг қабул қилиниши.

7.7 Банк техник ёхуд компьютер дастурларини қўллаш муносабати ёки банк ва банклараро электрон тизимнинг ишдан чиқиши ҳамда носозлиги туфайли ўз мажбуриятларини бажараолмаганлиги учун жавобгарликдан озод қилинади.

7.8 Енгиб бўлмайдиган кучлар ҳолатларини важ қилиб келтириладиган Тараф, бундай ҳолатлар вужудга келгани тўғрисида бошқа Тарафни ёзма равишда дарҳол (7 иш куни ичида) хабардор қилади.

7.9 Тарафларнинг талаби бўйича тегишли орган томонидан берилган форс мажор ҳолат юз берганигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилади.

## **VIII. МИҶОЗГА ХИЗМАТ КўРСАТИШ ТАРТИБИ**

8.1 Банк қонда тариқасида ахборот тизими бўйича узатиладиган ҳужжатларни соат 9.00дан 16.00га қадар қабул қилади.

8.2 Уланиши ўрнатиш ва электрон ҳужжатларни қабул қилиш-узатиш жараёнида фаол Тараф бўлиб Миқоз ҳисобланади.

8.3 Ахборот тизимдан фойдаланган ҳолда Банкка ҳужжатларни етказишнинг имкони бўлмаганда ҳужжатлар Миқоздан асл нусха кўришида қабул қилинади.

8.4 Ахборот тизими бўйича Банк томондан қабул қилинган, Миқознинг зарур миқдордаги ЭРИ билан имзоланган электрон (тўлов) ҳужжатлар Банкка етказиб берилган деб ҳисобланади ва бу ҳужжатлар "етказиб берилган" мақомини олади.

8.5 Ахборот тизими бўйича етказиб берилган электрон ҳужжатлар Банкда фақат операцион кун мобайнида кейинги автоматик текширувдан ўтказилади.

8.6 Текширув натижаларига кўра Миқозга ҳужжатни инловга қабул қилиш ёки бракка чиқариш тўғрисида якуний қарор тақдим этилади.

8.7 "Тўлов топшириқюмаси" электрон ҳужжатни олишда Банк Миқознинг ЭРИ ҳақиқийлигини, ҳужжат реквизитларининг тўғри тўлдирилганлигини, Миқознинг ҳисоб рақамида дебет сальдо юзага келиш эҳтимолини текширади.

8.8 Агар ҳужжат бракка чиқарилса у Банк томонидан қабул қилинмайди ва бу ҳақда Миқоз ҳужжатининг мақомида сабабини кўрсатган ҳолда "қайтарилган" (бракка чиқарилган) белгиси қўйилади.

8.9 Банда тўлиқ автоматик текширувдан ўтган ва ишловга қабул қилинган электрон ҳужжатлар “ишловда” мақомига эга бўлади.

8.10 Банк операционисти томонидан ижро қабул қилинган электрон ҳужжат “ижрода” мақомига ўтади.

8.11 Банк соат 15.00га қадар қайта ишловга қабул қилинган банклараро ҳужжатларни ўша куннинг ўзида ижро учун қабул қилади, кўрсатилган вақтдан кейин қайта ишловга қабул қилинган ҳужжатлар Банк томонидан ижро учун кейинги иш кунига ўтказилиши мумкин.

8.12 Ҳужжатни ижро учун қабул қилиш тўғрисидаги яқиний қарор Банк операционисти томонидан қабул қилинади.

8.13 Банк томонидан ижро этилган ва Мижознинг кўчирмаси бўйича амалга оширилган тўлов ҳужжати “Ижро этилган” мақомини олади.

#### **IX. ШАРТНОМАНИ ҲАЗАРТИРИШВА БЕКОР ҚИЛИШИ** **АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

9.1 Банк ушбу шартноманинг 8-бандида белгиланган “Интернет-банкнинг” тизимида Мижозга хизмат кўрсатиш тартибига, Мижозни алоқа воситалари, шу жумладан <http://www.aloqabank.uz> манзили бўйича Банкнинг сайтида эълон ва маълумотларни жойлаштириш орқали олдиндан, бироқ Ҳазартиришлар кучга киришидан камида ўн кун олдин, хабардор қилган ҳолда бир тарафлама Ҳазартириш ҳуқуқига эга.

9.2 Банк хизматлари учун тўловлар кечиктирилган тақдирда шартноманинг бир тарафламани бекоР қилиши мумкин.

9.3 Мижоз томонидан шартнома шартлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида Банк ўз хоҳишига кўра шартнома шартини Ҳазартириш ёки бекоР қилишни талаб қилиши мумкин.

9.4 Банк тарифлари Ҳазарганда Банк ўз хоҳишига кўра шартнома шартини Ҳазартириш ёки бекоР қилишни талаб қилиши мумкин.

9.5 Мижоз шартнома объектини Банкнинг руҳсатисиз учинчи шахсларга фойдаланишига берган тақдирда, Банк ўз хоҳишига кўра шартномани муддатидан олдин бекоР қилиши ҳамда етказилган зарарни ҳамда неустойкани тўлиқ тўлашни талаб қилиши мумкин.

9.6 Мазкур Шартнома бўйича тарфлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганларидан сўнг бекоР бўлган ҳисобланади.

9.7 Мазкур шартномани бекоР қилмоқчи ёки Ҳазартирмоқчи бўлган тараф иккинчи тарафга шартномани бекоР қилиш ёки Ҳазартириш шартларини кўрсатган ҳолда шартномани бекоР қилиш ёки Ҳазартириш тўғрисида шартлар лойиҳасини юборади.

9.8 Мазкур шартномани бекоР қилиш ёки Ҳазартириш тўғрисида шартлари лойиҳасини олган тараф, олган кунидан бошлаб 15 кун ичида ушбу лойиҳани кўриб чиқиб, иккинчи тарафга жавоб хати юборади.

9.9 Мазкур шартноманинг 9.4 бандида кўрсатилган муддат ичида шартномани бекоР қилиш ёки тўғрисидаги шартнома лойиҳасини олган тараф иккинчи тарафга лойиҳа юзасидан жавоб хати юбормаса, шартнома бекоР қилинган ҳисобланади.

9.10 Шартнома шартлари Ҳазартирилган бўлса, шартнома Ҳазартирилгунича Мижоз томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган мажбуриятлар тўлиқ бажаришдан озод қилмайди.

9.11 Банк томонидан Мижознинг шубҳали (ноқонуний) операциялари аниқланган тақдирда Банк ушбу шартномани ёки ҳисобварақ шартномасини бир томонлама бекоР қилиши мумкин.

#### **X. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ХИЗМАТ КўРСАТИШИНИ ТўХТАТИШ** **АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

10.1 Мижоз тарафлар ўртасида тузилган ҳисобварақ шартномаси ёки мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажарганида ёки лозим даражада бажарганида Банк ҳисобварақ шартномаси ёки мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришни тўхтатиб қўйиши мумкин.

10.2 Мижоз шартнома объектидан мазкур шартномани шартларига мувофиқ фойдаланмаганида Банк Мижознинг электрон (тўлов) ҳужжатларини қабул қилмаслиги, қабул қилинган электрон (тўлов) ҳужжатларини ижро қилмаслиги мумкин.

10.3 Мижоз мазкур шартнома шартларига риоя қилмаган ҳолда ёки қонун ҳужжатларига ҳилоф равишда шартнома объектидан фойдаланган ҳолда мазкур шартнома ва банк ҳисобварақ шартномаси бўйича хизматларни кўрсатишни камида уч кунгача тўхтатиб қўйиши мумкин.

10.4 Мижоз томонидан мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги бўйича ёзма тўшинтириш берилмагунича ва унинг мажбуриятлари тўлиқ бажарилмагунича тўхтаб турилиши мумкин.

10.5 Сўралган электрон (тўлов) ҳужжатлари 5 (беш) банк иш куни мобайнида тақдим этилмаган тақдирда Банк ушбу ҳужжатлар тақдим этилгунга қадар Мижозга хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриши мумкин.

10.6 Мижоз томонидан юборилган электрон (тўлов) ҳужжатнинг мазмунига қўра уни ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни ҳужжатлари ёки банк ҳисобварағи шартномасига мувофиқ қўшимча ҳужжатлар талаб этилган тақдирда ва уларни электрон шаклда етказиш мумкин бўлмаган ҳолларда Банк бу электрон (тўлов) ҳужжат ижросини тўхтатиб туриши ёки ижро қилмаслиги мумкин.

10.7 Банк Мижозни ўн кун олдин огоҳлантирган ҳолда белгиланган тарифни бир тарафлама ўзгартириши мумкин.

10.8 Мижоз ўз хоҳишига қўра ЭРИ актив очик қалитини амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш ва Банкаб ушбу Шартноманинг 2-сонли Иловасига мувофиқ ўз ЭРИ актив очик қалитини блоқировка қилиш тўғрисида ёзма хабар юбориши мумкин.

10.9 Банк хизматлари учун тўловлар кечиктирилган тақдирда Банк Мижозга хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйиши мумкин.

10.10 Мазкур шартнома бўйича хизмат кўрсатишни тўхтатиш дастурий воситани ўчириш, ЭРИ қалитини блоқировка қилиши ва бошқа техник усуллар билан дастурий воситадан фойдаланишни чеклаш ёки Мижознинг электрон (тўлов) ҳужжатларини қабул қилмаслиги, қабул қилинган электрон (тўлов) ҳужжатларини ижро қилмаслик усуллари орқали амалга оширилиши мумкин.

#### **XI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

11.1 Мазкур шартнома ҳар икки тараф уни имзолаган вақтдан эътиборан кучга қиради ва нумайян муддат давомида амал қилади.

11.2 Тарафлардан бири иккинчи тарафини камида 30 кундан олдин ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир тарафлама шартномани бекор қилишга ҳақлидир, мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

11.3 Банк хизматларига тўловлар юзасидан мажбуриятлар Мижоз томонидан бузилган тақдирда Банк Мижозни 10 (ўн) календарь кун олдин хабардор қилган ҳолда шартномани бир тарафлама бекор қилишга ҳақли.

11.4 Мижоз билан тузилган банк ҳисобварағи шартномасининг бекор қилиниши ва ҳисоб рақамининг ёпилиши мазкур шартномани бекор қилишга асос бўлади.

#### **XII. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР**

12.1 Мазкур шартнома юзасидан низолар ушбу шартномага 1-сонли Иловага мувофиқ ўзаро манфаатлар ҳисобга олинган ҳолда музокаралар йўли орқали ҳал қилинади, қилиншуга эришилмаган тақдирда низо суд тартибда ҳал этилади.

12.2 Шартномага киритилган барча ўзгариш ва қўшимчалар тарафлар томонидан оддий ёзма равишда тузилгач, имзоланиб ва муҳр билан тасдиқлангач кучга қиради, қонуни ҳужжатлари ҳамда ушбу шартномада Банкнинг шартномага Мижознинг розилигисиз ўзгариш киритиш ҳуқуқи кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно. Мазкур шартноманинг барча Иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

12.3 Шартноманинг айрим шартлари, амалдаги қонуночиликка киритилган ўзгаришлар туфайли уларга амал қилиниши мумкин бўлмаган ҳолатга келганда, тарафларнинг талаби билан қайта кўриб чиқилиши мумкин.

12.4 Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, ҳар бир тараф учун биттадан, 2 нусxada тузилган.

12.5 Тарафлар ўз юридик манзиллари ўзгарган тақдирда уч кунлик муддат ичида бир-бирини хабардор қилиши лозим.

Ахборот тизимидан  
фойдаланган ҳолда  
ҳисобварақларга хизмат  
кўрсатилиши юзасидан  
2019 йил “\_\_” \_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_-сонли Шартномага

1-сонли Илова

Низоли вазиятлар юзага келганда  
техник экспертиза ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ

1. Мазкур Низомда низоли вазият сифатида Мижознинг Банкка нисбатан электрон ҳужжат ва унинг Электрон Рақамли Имзоси ҳаққонийлиги бўйича эътирозлари мавжудлиги тушунилади.

2. Мижоз Банкка ўз ҳисобварағи бўйича операцияни амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилган Электрон Рақамли Имзога эга ҳужжат бўйича эътирозини ўз ичига олган аризани Банкка тақдим этади.

3. Банк Мижознинг аризаси берилган кундан эътиборан беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида аризани кўриб чиқиш учун "Низоларни ҳал этиш комиссияси"ни тузиш шарт. Комиссия таркибига Мижоз ва Банк вакиллари ҳамда заруратга кўра мустақил экспертлар киритилади. Комиссия аъзоларини танилаш бarchа иштирокчилар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

4. Низоларни ҳал этиш комиссияси томонидан низоли вазиятни кўриб чиқиш натижаси бўлиб илова қилинган ҳужжат бўйича Мижознинг Электрон Рақамли Имзоси ҳақиқийлиги юзасидан жавобгар томонни аниқлаш ҳисобланади.

5. Низоларни ҳал этиш комиссияси 5 (беш) иш кундан ортиқ бўлмаган муддат мобайнида аризани кўриб чиқишнинг амалга оширади.

6. Низоларни ҳал этиш комиссияси Мижознинг эътирозига асос бўлган Электрон Рақамли Имзо билан тасдиқланган ҳужжат бўйича Банк томонидан амалга оширилган операцияларни техник экспертизадан ўтказиши.

7. Низоларни ҳал этиш комиссияси Мижознинг Электрон Рақамли Имзо очик калити, унинг амал қилиш муддатлари ҳамда уни Мижозга тегишли эканлиги юзасидан техник экспертиза ўтказиши.

8. Низоларни ҳал этиш комиссияси электрон ҳужжатдаги Мижознинг Электрон Рақамли Имзоси ҳақиқийлигини техник экспертизадан ўтказиши.

9. Техник экспертиза тақдим этган маълумотлар асосида Низоларни ҳал этиш комиссияси далолатнома тузади.

10. Куйидаги вазиятлардан бири юзга келган тақдирда Банк Мижоз олдида жавобгар ҳисобланади:

а) Мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияни бажарилишида Банк учун асос бўлиб хизмат қилган, Мижоз томонидан берилган электрон ҳужжатни Банк тақдим этамаганда;

б) Мижознинг ҳисобварағи бўйича операцияни бажарилишида Банк учун асос бўлиб хизмат қилган электрон ҳужжатда Мижознинг Электрон Рақамли Имзоси ҳақиқий бўлиб чиқмаганда;

с) Мижоз Банкнинг мансабдор шахси томонидан имзоланган, Банк томонидан билдиришнома қабул қилинган вақт кўрсатилган ва банк муҳри туширилган Мижознинг махфий ҳамда унга мос Электрон Рақамли Имзо очик калитларининг амал қилишини тугатиш тўғрисида Билдириш қоғози тақдим этилганда; (ушбу Шартноманинг 3-сонли иловаси)

д) Мижознинг Электрон Рақамли Имзо очик калити Мижозга тегишли эканлиги тасдиқланган, Мижознинг Электрон Рақамли Имзоси ҳақиқийлиги Низоларни ҳал этиш комиссияси томонидан эътироф этилган электрон ҳужжат Банк томонидан тақдим этилган тақдирда Банк Мижознинг ҳисобварағидан бажарилган операциялар юзасидан Мижоз олдида жавобгар бўлмайди.

**XIII. ТАРАФЛАРИНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ**


«БАНК»

АТ АЛОҚАБАНК АМАЛИЁТ БОШҚАРМАСИ

Юридик манзил ва  
Ташкилий ҳуқуқий манзили

Тошкент шаҳар Миробод тумани Амир Темур Шох  
кўчаси, 4-уй 100047

МФО 00401, СТИР 200829053 ТЕЛ: 230-77-77, 232-83-33



Имзо

«МИЖОЗ»

Низолардан фойдаланиш  
ва калитни кўриш  
Дирекцияси Ю.М

100118 Тошкент шаҳар  
Лабзак 01070

107 323 774

Ашев Ф.А. Имзо



« » 2021 й.

«BINOLDAR» FOYDALANISH VA KAPITAL QURILISH DIREKSIYASI» DAVLAT MUASSASASI BOSH YURISTKONSULTI  
"20" 05 2021 йил.  
Imzo: [Signature]